

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 6 май, № 94 (7596) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: СУВ ТОШҚИНИ БИЗ УЧУН АЧЧИҚ САБОҚ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисаларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:**

— Бутун инсоният коронавирус билан бирга, иқтисодий инқирозга ҳам қарши курашаётганини ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз.

Жаҳонда мураккаб вазиятдан чиқиш учун карантин чораларини аста-секин юмшатаётган давлатлар сони кўпайиб бормоқда.

Яратганга шукр, бугун Ўзбекистонда эпидемиологик вазият тобора барқарорлашиб боряпти. Кундан-кунга касалликка чалинганларга нисбатан соғайган беморлар сони кўпаймоқда. Карантинга янги олинганларга нисбатан анча кўп одам ундан чиқарилмоқда. Натижада бугунги кунда коронавирус юқтирган беморларнинг 66 фоиздан ортиғи тўла соғайди.

Карантиндаги аҳолининг 83 фоизи ўз уйига қайтди. Яъни ижобий динамика кучайиб бормоқда. Шифохоналарда қолаётган беморларни даволаш, саломатлигини тиклаб, оиласи бағрига қайтариш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Бу ишлар осонликча бўлаётгани йўқ. Ҳозирга қадар бунга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2 триллион 250 миллиард сўм сарфладик ва 500 миллион доллар халқаро молия институтларидан жалб қилдик.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳеч ким пандемия яна қанча давом этишини билмаяпти. Шу сабабли, қанчалик қийин бўлмасин, халқимиз билан бирга пандемия шароитида, барча талабларга амал қилган ҳолда, ишлаш ва яшашга ўрганишимиз керак.

Эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгарганидан фойдаланиб, биз иқтисодиётимизда карантин режимини аста-секин юмшатмасак бўлмайди. Чунки бу тартиб иқтисодиётимиз ривожига ва аҳолимиз ҳаётига жуда катта салбий таъсир қилмоқда.

Бу борада халқимизга, айниқса, фермер ва тадбиркорларга қулайлик яратиш учун карантин талабларини юмшатиш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик.

Ҳурматли дўстлар!

Бу йил инсоният учун, шу жумладан, биз учун жуда оғир келди. Кейинги бир ҳафтанинг ўзида халқимиз кетма-кет кутилмаган синовларга дуч келди. 27 апрель кечаси Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қоракўл туманларида юз берган оғир табиий офатдан яхши хабардорсизлар.

Бу офат вилоят бўйича 38 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари, 847 та ижтимоий соҳа объектларига, экин майдонларига зарар етказди. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларига ҳам жиддий талафот етди.

Биз табиий офат оқибатларини бартараф қилиш бўйича барча зарур чораларни кўряпмиз. Ҳукумат комиссияси туну кун ишламоқда. Бугунгача 70 фоиз ижтимоий объектлар, 20 фоиз аҳоли хонадонларининг томи ёпилди. Шунингдек, 5 минг километр электр тармоқлари, 1 минг 100 та трансформатор таъмирланиб, 286 минг аҳолининг электр таъминоти тикланди. Якка тартибдаги уй-жойлар ҳам таъмирланмоқда.

Афсуски, бошимизга келган синовлар шу билан тугагани йўқ.

Хабарингиз бор, Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида содир бўлган фавқулодда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 24 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинди. Уларнинг барчасига биринчи даражали зарур шароитлар яратилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказилмоқда. Сув тошиши оқибатларини бартараф этиш ва сабабларини ўрганиш бўйича Ҳукумат комиссияси ишламоқда.

Зарар етган уй-жойларни тиклаш ва таъмирлаш, одамларни ўзининг тикланган уйига қайтариш ва рўзғорига ёрдам бериш, инфратузилмани тиклаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича барча масалалар ҳал қилинмагунча Сирдарёга бириктирилган ҳар бир раҳбар кучайтирилган сафарбарлик режимида ишлайди.

Бу ҳудудлардаги одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш керак. Уларга янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратиб беришимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда қатор маҳаллаларда кенг қамровли тозалаш-тиклаш ишлари амалга ошириляпти, натижада 53 мингдан зиёд аҳоли ўз уйларига қайтиши ёки яқин қариндошлари уйига кўчиб ўтиши таъминланди.

Такрор айтаман, давлатимиз, жамиятимиз ҳеч кимни бундай кутилмаган фалокатлар қаршисида ёлғиз ва эътиборсиз қолдирмайди.

Одамларимиз ҳаётини сақлаб қолиш ва эвакуация қилишда Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда улар авария ва тиклаш ишларига кенг жалб этилган.

Афсуски, ҳозиргача 4 нафар фуқаромизнинг табиий офат оқибатида ҳалок бўлгани, 1 нафари бедарак йўқолгани аниқланди. Жумладан, аҳолини хабардор қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш жараёнида Миллий гвардиянинг 2 нафар ходимини кучли сув оқими олиб кетган. Улар ўз жонини фидо қилиб, юзлаб, минглаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишди.

Ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва оила аъзоларига ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни билдираман. Йигитларимизнинг жасорати барча касбдошлари ва ёшлар учун Ватанга, халқимизга содиқлик ва фидокорона хизмат қилишнинг намунаси бўлиб қолади.

Албатта, Бухоро ва Сирдарёдаги офатлар Яратганнинг бизга юборган синови. Бунга сабр қилишимиз, қаттиқ меҳнат билан, биргаликда ёруғ юз билан ўтишимиз керак.

Ушбу қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана, “ойнаи жаҳон” орқали кўряпсизлар, халқимиз янада бирлашиб, ўзининг меҳр-оқибати, бағрикенглиги, буюк саховатини ҳар куни, ҳар дақиқада намоён этмоқда. Буни Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидан кўчирилган фуқароларнинг 81 фоизини Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари аҳолиси ихтиёрий равишда ўз хонадонларига жойлаштиргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бошқа вилоятлар, вазирлик, компания ва уюшмалар, аҳолимиз томонидан қисқа вақтда Бухоро ва Сирдарёга ёрдам бериш учун катта миқдордаги ҳомийлик маблағлари ўтказилди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва рўзғор буюмлари юборилди.

Фурсатдан фойдаланиб, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатаётган бағрикенг, саховатпеша ва ҳамдард халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Халқимиз бир нарсадан кўнгли тўқ бўлиши керак, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзларга ва миш-мишларга ўрин бўлмаслиги лозим. Менинг топшириғимга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан сув тошқини билан боғлиқ воқеа юзасидан объектив, холис ва кенг қамровли тергов ҳаракатлари бошланган. Халқимизни ишонтириб айтаман, тергов якунлари бўйича барча айбдорлар, ким бўлиши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонун олдида жавоб беради.

Бу сув тошқини биз учун аччиқ сабоқ бўлди. Шу сабабли сув омбори масаласида биз халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тўғоннинг барча дамбаларини чуқур экспертизадан ўтказамиз. Фақат шундан кейингина якуний хулосага келамиз.

Шунингдек, менинг топшириғимга биноан ҳозирги кунда тегишли давлат органлари томонидан кучли ёғингарчилик сабабли эрозия юзага келиши мумкин бўлган барча гидроиншоотлар, тўғонлар ва ГЭСларда текширув ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, Сардобадаги офат натижасида биз билан чегарадош бўлган ён қўшнимиз — Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктларини ҳам сув босди. Биз Қозоғистон Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали бу масалани ўзаро тушуниш ва очиқлик руҳида атрофлича муҳокама қилиб олдик. Куни кеча Туркистон вилояти ҳокими Умирзоқ Шукеев бошчилигидаги делегация воқеа жойида бўлиб, вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганди.

Биз қардош қозоқ халқи билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-анда бўлиб, эт билан тирноқдек яқин бўлиб яшаганмиз. Қувончли кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам ҳамиша бир-биримизга елкадош бўлиб, қўллаб-қувватлаб келганмиз.

Ушбу кутилмаган техноген офат нафақат аҳолимизга, балки қўшни қозоқ биродарларимизга ҳам ортиқча ташвиш ва зиён етказганидан жудаям хижолатдамиз. Уларнинг аҳоли яшаш жойлари ва экин майдонлари зарар кўрганидан, албатта, биз жуда афсусдамиз.

Ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, бошқа мутасадди ва мутахассислар қозоғистонлик ҳамкасблари билан биргаликда табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича, албатта, яқиндан ҳамкорлик қилади.

Биз қозоғистонлик биродарларимизга табиий офат оқибатларини бартараф этишда керакли ёрдам беришга ҳам тайёр эканимизни билдирдик.

Ишончим комил, биз бошимизга тушган бу оғирликларни ҳам халқимиз билан биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатликда бир тану бир жон бўлиб, албатта, енгиб ўтамиз.

## КАРАНТИН ШАРОИТИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни карантин шароитини янада енгиллаштириш ва иқтисодий фаолиятни қайта тиклаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгараётгани боис 22 апрелдан карантин шароити босқичма-босқич юмшатила бошлаган эди. Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида жойлардаги вазият ўрганилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳокимликлардан асосланган таклифлар олинди.

Йиғилишда ушбу таклиф ва таҳлиллар асосида бундан буён амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Ҳозирда фаолияти тикланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига қўшимча равишда хизмат кўрсатиш субъектлари ҳам босқичма-босқич ишга туширилиши белгиланди.

Жумладан, эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда, санитария талабларини белгилаган ҳолда, ноозиқ-овқат дўконлари, тиббий диагностика, такси хизмати, таъмирлаш, тикувчилик, маиший техника ва пойабзал тузатиш, сартарошхоналар фаолиятига рухсат бериш кераклиги қайд этилди. Шунингдек, стикерлар бекор қилиниб, шахсий автомобиллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Лекин коронавирус тўла бартараф бўлмагани сабабли, одамлар кўп тўпланадиган объектлар, жумладан, театр, концерт ва спорт заллари, тўйхоналар, жамоат транспорти бўйича чекловлар маълум муддатгача сақланиб қолади.

Республика комиссиясига хизмат кўрсатиш турларини қайси ҳудудларда ва қандай шартлар асосида йўлга қўйишни белгилаш топширилди.

**— Эпидемиологик вазият яхшиланганида сари чекловларни бекор қилишни давом эттирамиз. Аксинча, вазият ёмонлашса, карантин чораларини қайта тиклаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Корхоналар барқарор ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Унга кўра:

— тўқимачилик корхоналари ва кластерларини янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида хом ашё нархини 10 фоизгача пасайтириш имкониятини берувчи халқаро биржа нархларига ўтилади;

— 1 апрелга қадар ички бозорда сотилган пахта толаси учун якуний тўлов муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилди;

— тўқимачилик корхоналари экспорт қилган маҳсулот республикадан чиқиб кетиши билан қўшилган қиймат солиғи тўлиқ қайтарилади;

— соҳа учун муҳим бўлган 64 турдаги хом ашё ва материаллар божхона божидан озод қилинди.

Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортини кескин кўпайтириш, йирик, камида 1 мингта одам ишлайдиган, халқаро бренд остида ишлаб чиқарувчи замонавий йирик тўқимачилик ва тикув кластерларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Унга мувофиқ, ташиш харажатлари учун субсидия бериладиган маҳсулот турлари ҳозирги 52 тадан 86 тагача кўпайтирилди. Бу рўйхатга 32 турдаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда ҳўл, музлатилган ва консерваланган мевалар қўшилди.

Ушбу транспорт харажатини субсидиялаш механизмидан 2 мингдан зиёд экспортёр корхоналар фойдаланиши имконияти яратилмоқда ва бунга бюджетдан 360 миллиард сўм йўналтирилади.

**— Бундай чоралардан мақсад — корхоналар фаолиятини тез тиклаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш учун катта имконият яратиш. Шу сабабли барча даражадаги раҳбарлар доимий равишда ҳар бир туман ва маҳаллада янгича ғоя ҳамда ташаббусларни жорий этиб, оддий халқ ёки камбағалнинг ҳаётини яхшилаш, уларни банд қилиш ва даромадини ошириш масалалари билан устувор даражада шуғулланиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.**

Йиғилишда карантин чоралари енгиллаштириладиган ҳудудларни белгилаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарнинг карантин даражасини белгилаш, жойлардаги вазият ўзгаришига қараб, тезкорлик билан карантин даражаларини янгилаб бориш вазифаси қўйилди. 23 апрель куни тасдиқланган пандемия даврида вақтинчалик санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормаларга риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

Карантиндан кейин иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлар барқарор фаолият юритиб кетиши учун шароит яратишни ҳозирдан бошлаш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тармоқ раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ва банклар билан бирга 1 июнга қадар корхоналарга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва миқдорини аниқлаб, ҳар бир корхона бўйича Инқироздан кейинги манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилди. Ушбу режада корхоналарга айланма маблағлар учун қўшимча кредитлар бериш, экспорт мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш, томорқа ва иссиқхоналар учун давлат томонидан бериладиган субсидиялар миқдорини оширишга устувор аҳамият берилади.

Видеоселектор йиғилишида солиқ тушумларини таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида бу борадаги прогноз 102,7 фоиз бажарилган. Бундан буён бюджетга тушумлар сезиларли равишда ортиб бориши қайд этилиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам яна бир бор эътибор қаратилиб, аҳолини асосий турдаги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқиб, амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Эпидемиологик вазият ривожини назорат қилиш ва коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат ҳукуматларига ушбу хавфли касалликка қарши курашишда ўзаро мувофиқлаштирувни кучайтириш ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириш бўйича топшириқлар берилди.

Пандемиянинг, аввало, Ўзбекистон — Тожикистон савдо-иқтисодий алоқалари учун салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик мақсадида олдиндан чора кўриш ва юзага келаётган барча масалаларни тезкор ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзаро савдода юқори ўсиш суръатларини ушлаб қолиш, транспорт қатновларини таъминлаш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, молия ва бошқа соҳаларда устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар тартибини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида мунтазам видеоанжуманлар ўтказиб туриш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришдаги салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

маҳаллий ишлаб чиқарилган базавий сифатдаги **пахта толасининг бошланғич нархи** Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш ойи учун фьючерс котировкаси қийматидан келиб чиққан ҳолда сотувчи томонидан белгиланади;

маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида 2020 йил 1 апрелга қадар миллий валютада сотилган **пахта толаси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш** муддати **90 кундан 150 кунгача узайтирилади**.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, тармоқ таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида **Тошкент давлат транспорт университетини** (кейинги ўринларда — Университет) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**(Давоми 2-бетда).**

ЮРТ ОБОДЛИГИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ИСТАСАНГ, САХОВАТЛИ ВА ОЧИҚҚЎЛ БЎЛ.

*Абу Мансур Мотуридий*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

2. Иловага мувофиқ импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар 2022 йил 1 январга қадар божхона божи тўлашдан озод қилинсин.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар **қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади**, унга биноан калава ва толадан ташқари, экспорт қилинадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарлари (хизматлари) учун фойдаланилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхонасининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушган валюта тушуми суммасидан қатъи назар, ҳисобга олинади ҳамда экспорт қилувчининг ўрнатилган тартибда бериладиган аризасига асосан қайтарилиши шарт.

Бунда, қўшилган қиймат солиғининг қайтарилган суммаси ёки унинг бир қисми товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушмаган тақдирда, шунингдек, аризада қайтарилиши кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси асослантирилганлигини камерал солиқ текширувидан ўтказиш давомида аниқланган ғайриқонуний ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси 5 кун ичида пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини қайтаришнинг мазкур банд билан белгиланган соддалаштирилган тартиби тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охирги 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, шунингдек, экспорт қилинган товарлар бўйича 10 минг АҚШ долларидан кўп миқдорда муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади. Бунда, товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида валюта тушуми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб рақамига келиб тушмаган тақдирда, дебитор қарздорлик муддати ўтган деб ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагилар бўйича **идоралараро ишчи гуруҳлари таркибини тасдиқласин**:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хом ашёлари, материаллари, тайёр маҳсулотлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ходимларини ташиш ва логистика масалаларини тезкор ҳал этиш — транспорт вазири **Э. Ганиев** бошчилигида;

ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш — молия вазири **Т. Ишметов** ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **М. Мирзаев** бошчилигида;

янги истиқболли ташқи бозорларни излаш, маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А. Воитов** бошчилигида;

либослар дизайни ва коллекцияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тармоқ корхоналарига жорий қилиш — "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раиси **И. Ҳайдаров** бошчилигида.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси:

бир ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт шартномаларини глобал карантин чекловлари шароитида бажариш истиқболлари нуқтаи назаридан батафсил ўргансин ва **истиқболсиз экспорт шартномалари ўрнига**, биринчи навбатда, карантин чора-тадбирлари юмшатилаётган давлатлардаги ҳамкорлар билан **янги шартномалар тузишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин**;

икки ой муддатда экспортга йўналтирилган тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларига ихтисослашган **жаҳон брендлари вакиллари билан** ушбу маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни, шу жумладан, республиканинг ишлаб турган корхоналари қувватларида тикиш бўйича йирик буюртмаларни шакллантириш юзасидан **музокаралар ўтказсин**;

"Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда халқаро ташкилотлар кўмагида АҚШ ва Европада тан олинган замонавий **халқаро сертификатлар** тармоқ корхоналари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича **олинишини** таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи экспертларни **мазкур соҳани ислоҳ қилиш бўйича маслаҳатчилар** сифатида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан жалб қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

йирик тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини уларнинг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан **стресс-тестдан ўтказсин**;

стресс-тест натижаларига кўра тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг унумдорлиги, молиявий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифларни ҳамда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати рақобатбардошлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда инфратузилма мажмуасини (сертификатлаш, стандартлаштириш, логистика ва бошқалар) яратишни ҳисобга олган ҳолда **йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари**да тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ва уларни ривожлантириш юзасидан таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 сентябрга қадар **жаҳон брендлари**ни жалб қилган ҳолда ташқи бозорларда талаб катта бўлган юқори қўшилган қийматга эга тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, уларни йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари ҳудудида жойлаштириш бўйича **2021 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тасдиқланишини** таъминласин.

Бунда ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик ишлаб чиқариши, қоида тариқасида, машҳур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиш ва **камида мингта иш ўрнини** ташкил этишга мўлжалланган бўлиши лозим.

8. Белгилансинки:

а) 2020 — 2025 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлаш **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари маблағлари**, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати учун очилган тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтлари қарз маблағлари ва хорижий банклар кредит линиялари ҳисобига, шу жумладан, қуйидагилар орқали молиялаштирилади:

янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

икки-уч сменали иш режимидаги ишлаб чиқариш, энг аввало, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини тикиш фаолияти учун револьвер кредитлар тақдим этиш;

мустаҳкам экспорт шартномаларига эга бўлган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини экспортолди молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан — 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан — 0,2 АҚШ доллари миқдорида **йиғим ундирилади**.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат захираларини бошқариш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда маҳаллий корхоналардан** 2020 йилда харид қилинадиган **қуйидаги қўшимча ҳажмлар сотиб олинишини** таъминласин:

қариялар уйларига етказиб бериш учун кийимлар ва пойабзаллар комплектлари, шунингдек, ёлғиз ва кам таъминланган қариялар учун қишки кийимлар ва пойабзаллар комплектлари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун формали кийимлар ва пойабзаллар комплектлари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги муассасалари, касалхоналар, болалар боғчалари, қариялар уйлари учун чойшаблар, тўшаклар, ёстиқлар, ўрин ёпинғичлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари комплектлари;

давлат захираси номенклатураси бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда **ўз марказий аппаратлари тузилмасида** белгиланган штат бирликлари доирасида **тўқимачилик саноати масалалари бўйича тузилмаларни** ташкил этсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бутун даври (пахтани етиштиришдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача) бўйича қўшилган қиймат занжири шаклланишини батафсил таҳлил қилиш асосида маҳаллий тайёр маҳсулотларнинг экспорт бозорларида (шу жумладан, Европа Иттифоқи, Осиё мамлакатлари ва АҚШда) рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг нарх шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет:

**транспорт соҳаси учун** олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади**;

илғор халқаро таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб **таълимнинг кредит-модуль тизимини** босқичма-босқич жорий этади;

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультетига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунади.

Университет ҳамда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги Белорусь давлат техника университети билан биргаликда ташкил этилган қўшма Ўзбекистон — Белорусь факультети Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Адилходжаев кўчаси, 1-уй манзили бўйича текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

3. Қуйидагилар **Университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** этиб белгилансин:

транспорт соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозоридаги рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик **кадрларни, шунингдек, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**;

транспорт соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича **фундаментал, амалий ва инновацион изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш**, уларнинг натижаларини, шу жумладан, рақамли ва бошқа замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ҳамда битирувчиларни чет элда магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш мақсадида **етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш**;

**транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш**, тизимдаги академик лицей ҳамда соҳанинг профессионал таълим муассасалари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

**ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш** мақсадида транспорт соҳасидаги ташкилотлар билан биргаликда талабаларнинг амалиётларини тегишли соҳа ташкилотларида ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

4. Белгилансинки, Университетда ўқув жараёни 2020/2021 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги икки ой муддатда **Университетни стратегик ривожлантириш масалалари бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари лавозимига малакали хорижий мутахассис** тайинланишини таъминласин.

6. Қуйидагилар:

2020 — 2023 йилларда Тошкент давлат транспорт университетида **кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳамда илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари** дастури 1-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат транспорт университетига оператив **бошқарув ҳуқуқи асосида текин бериладиган** ҳамда тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қоплаган ҳолда **"ноль" ставкадаги ижара тўлови асосида бериладиган объектлар рўйхати** 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан **Тошкент давлат техника университетига кўчириладиган таълим йўналишлари** рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат транспорт университетининг **Васийлик кенгаши** таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси, 12-уйда жойлашган Ёшлар марказининг биноси (собиқ Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сон академик лицей) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

8. Университет **Васийлик кенгашининг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва самарали фаолиятини таъминлаш учун **молиявий ёрдам ташкил этиш**, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва иш билан таъминлаш бўйича **кадрлар буюртмачилари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш**;

таълим ва илм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

**олий таълимни ривожлантиришга қаратилган янги шакл ва дастурларни қўллаб-қувватлаш** ва илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этишни ривожлантириш;

биноларни қуриш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун зарур молиявий маблағлар жалб этилишини, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминлаш.

9. **Университетга қуйидаги ҳуқуқлар** берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда **таълим йўналишларига ўзгартириш киритиш**;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, **ўқув режалари ва дастурларини, битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини** ўқув жараёнининг транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар билан узлуксиз боғлиқлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, **мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**;

кредит-модуль тизимини ўқув жараёнига жорий этиш борасида профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини мустақил меъёрлаштириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишлари, **"Устоз — шогирд" тизими бўйича ишларнинг бажарилишини рағбатлантириб бориш**;

Университет профессор-ўқитувчиларининг **Scopus** ва **Web of Science** каби маълумотлар базасига кирган халқаро илмий журналларда **илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини молиялаштириш**;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш мақсадида илмий тадқиқот ва инновацион хизматлар тузилмаларини шакллантириш;

бакалавриат, магистратура ва докторантура йўналишлари бўйича **етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни** ташкил этиш;

иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига **амалий машғулотлар ҳажмини ошириш**, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш;

хорижий мутахассисларни консультант, маслаҳатчи ва ўқитувчилар сифатида жалб қилиш ва уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

Университетда беш йил давомида ишлаб бериш шарти билан иқтидорли талабалар ва етакчи профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий таълим муассасаларида ўқиши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш;

Университет ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни ижарага бериш ва ундан тушадиган маблағларни электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин Университетнинг бюджетдан ташқари жамғармасига тўлиқ йўналтириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан Тошкент давлат техника университетига кўчирилаётган 4-иловадаги таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг ўқиши Университет ёки Тошкент давлат техника университетининг мос ёхуд турдош таълим йўналишларига 2019/2020 ўқув йили якунлангандан сўнг белгиланган тартибда кўчирилишини таъминласин.

11. Қуйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

а) жорий сақлаш билан боғлиқ қисми бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) қурилиш ишлари қисми бўйича ҳар йилги Инвестиция дастурида белгиланган тартибда йўналтириладиган маблағлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Университет жойлашган ҳудудда **2020 — 2022 йилларда янги ўқув биноси, талабалар тураржойи ва ахборот-ресурс маркази биноларини** (кейинги ўринларда — Университет бинолари) қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) жорий йилда Университет бинолари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қуриш ишларини бошлаш учун:

2020 йилги Инвестиция дастури доирасида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти учун назарда тутилган маблағлар институтда жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг йўналтирилишини таъминласин;

қўшимча талаб этиладиган маблағлар бўйича 2020 йилги Инвестиция дастури доирасида марказлашган капитал қўйилмаларнинг иқтисод қилинган қисмини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) 2021 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Университет биноларини қуриш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

13. Университет биноларини қуриш ишлари бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб белгилансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотлар қонунчиликда белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари орқали аниқлансин.

14. Белгилаб қўйилсинки, Университет фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Транспорт вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

15. Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг академик лицейлари негизида **Тошкент давлат транспорт университетининг академик лицейи ташкил этилсин**.

Белгилансинки, Академик лицей:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 21-"А" уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Келгусида меҳнат фаолияти хусусиятлари ва ўқув амалиёти, транспорт воситаси ҳаракати ҳамда инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган таълим йўналишлари бўйича Университетга ўқишга ҳужжат топширишдан олдин абитуриент ва талабаларни темир йўл транспорти йўналиши бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ҳудудлардаги темир йўл поликлиникаларида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт комиссиясида, шунингдек, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш йўналиши бўйича "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти тиббий-санитария бўлимининг врачлик-учувчилик эксперт комиссиясида кўрикдан ўтказиш тартиби сақлаб қолинсин.

17. Университет ходимларининг ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида **Университетда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари жамғарма** (кейинги ўринларда — Жамғарма) **ташкил этилсин**.

18. Белгилансинки:

а) **Жамғарма маблағлари тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари", "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятларининг **ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантирилади**;

б) Жамғарма маблағлари Университет **профессор-ўқитувчилари**, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишловчи профессор-ўқитувчилари, **бошқарув, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамаларни** тўлашга йўналтирилади;

в) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан, ҳар ойлик устамаларни белгилаш мезонлари Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда Университет ректори томонидан белгиланади;

г) Университетнинг **бошқарув, профессор-ўқитувчилари, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмларда **ҳар ойда қўшимча пул тўланади**:

**3 йилдан 5 йилгача — 0,15**;
**5 йилдан 10 йилгача — 0,2**;
**10 йилдан 15 йилгача — 0,3**;
**15 йилдан ортиқ — 0,4**.

19. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Э. М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 май

# УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА МАСАЛАЛАР ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ҳозирги синовли кунларда бюджет маблағларининг мақсадли йўналтирилишини кафолатлаш мақсадида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### Ҳужжатлар янги номда қабул қилинди

Жорий йилнинг 23 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида "III ва IV даражали "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги, "Соғлом авлод учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, қабул қилинган эди.

Кеча бўлиб ўтган мажлисда мазкур қонун лойиҳалари "Саломатлик" орденини таъсис этиш тўғрисидаги", "Соғлом турмуш" медалини таъсис этиш тўғрисидаги", деган янги номлар билан қабул қилинди.

"Саломатлик" ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланади. Ушбу орден билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин. "Саломатлик" ордени икки даражадан иборат.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, I даражали "Саломатлик" ордени билан мукофотланган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, II даражали "Саломатлик" ордени билан мукофотланган шахсларга эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти берилади. Шунингдек, мазкур орденлар билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланади.

### «Фахрий мураббий» ордени билан кимлар тақдирланади?

Миллий ғурур, ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, бу шунчаки сўзлар эмас. Бу каби юксак фазилатларни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан саналади. Зеро, мамлакат тараққиёти, унинг янада гуллаб-яшнаши, порлоқ истиқболи айнан жамиятни ҳаракатга келтирувчи катта куч сифатида майдонга чиқадиган ёшларнинг саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ.

Мажлисда қизғин муҳокама этилган "Ўзбекистон Республикасининг "Фахрий мураббий" ордени тўғрисида"ги қонуни лойиҳасида ана шу жиҳатларга устувор аҳамият қаратилгани эътибор марказида бўлди.

Хўш, "Фахрий мураббий" ордени билан кимлар тақдирланади?

Ўз фаолияти давомида чуқур билим, юқори малака ҳамда кенг тафаккурга эга шогирдларни тарбиялаш орқали юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илм-фан соҳасида ёш олимлар ва етук мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг катта муваффақиятларга эришиши учун зарур шароитларни яратиш ишларига муносиб ҳисса қўшганларга мазкур мукофот берилиши белгиланмоқда. Депутатларнинг фикрича, бу "Устоз — шогирд" анъанасини изчил давом эттириш, шу асосда ёш авлодга замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўргатиш ишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳасида ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва қобилиятларини янада ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшган, давлат ва жамият олдидаги юксак хизматлари билан алоҳида эътибор қозонган мамлакатимиз фуқароларини "Фахрий мураббий" ордени билан мукофотлаш кўзда тутилган. Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкин.

Халқ вакиллари қайд этганидек, бугун мамлакатимизда уюшмаган ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилган, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган йигит-қизларни ўз оталиғига олиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган юртдошларимиз кўплаб топилади. Қонун лойиҳасида ана шундай фидойи инсонларнинг ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланиши белгиланаётгани диққатга сазовордир.

Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ёшлар онгига миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби юксак фазилатларни сингдириш, уларни илм-маърифатга йўналтириш, уюшмаган ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса кўшаётган фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Давлат бюджети: маблағлар биринчи навбатдаги чора-тадбирларга йўналтирилади

"2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси долзарб масалалар қаторида манфаатдорлик билан, қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йил мамлакатимиз учун турли синовлар билан бошланди. Юртимизда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз оқибатларини юмшатиш ишлари олиб борилаётган бир пайтда, Бухоро вилоятида, сўнгра Сирдарё вилоятида табиий офатлар юз берди. Бу ҳолатлар қўшимча катта маблағ сарфини талаб қилади. Шу боис ушбу лойиҳа, аввало, Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни оптималлаштиришнинг устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида уни сўзсиз қабул қилиш зарур эканлигини эътироф этишди.

Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги Фармонига мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблағлари манбалари қилиб Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Молия вазирлигига ажратиладиган маблағларнинг чегараланган миқдорларига, яъни Қонунга тегишли ўзгартиш киритиш зарурати юзага келди.

Бундан ташқари, Президент қарорларига асосан айрим давлат бошқаруви органлари тузилмасида маъмурий ўзгартиришлар амалга оширилгани, шунингдек, йиллик бюджет тўғрисидаги қонун биринчи марта жорий этилиши муносабати билан амалиётда юзага келаётган айрим ҳолатлардан келиб чиқиб, бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳасида яна бир муҳим жиҳат — бюджет маблағларини устувор йўналишларга, яъни коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва унинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга сафарбар қилиниши назарда тутилаётгани эътиборга молик.

Муҳокамалардан сўнг қонун қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ҳамжиҳатлик

# ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА ТАЛАФОТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

*Айни кунларда Сардоба сув омборида содир бўлган ҳодиса туфайли зарарланган барча ҳудудда унинг оқибатларини бартараф этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу жараёнда нафақат Сирдарё вилояти, балки республикамизнинг турли минтақаларидан келган тегишли тизимларнинг мутахассислари, ишчи-ходимлари, вазирликларнинг кўмак гуруҳлари ҳам иштирок этаётир. Бошқача айтганда, аниқ ташкилий-амалий механизм ва катта ғайрат-шижоат туфайли турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.*

Хусусан, "Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ матбуот хизматининг маълумотига кўра, тошқин ҳудудлари босқичма-босқич электр таъминотига уланмоқда. Электр таъминотида вужудга келган узилишлар, турли даражадаги техник-авария ҳолатларини қайта тиклаш ишлари туну кун давом эттирилаётир. Натижада кеча Оқолтин туманидаги Саховат, Алишер Навоий, Аҳиллик маҳаллаларидаги 1531 та, Мирзаобод туманининг Дўнгариқ маҳалласидаги 120 дан ортиқ истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминоти қайта тикланди. Айтиш лозимки, мазкур ҳудудлар аҳолиси тошқин пайтида хавфсиз жойга эвакуация қилинган эди. Айни пайтда аҳоли ўз хонадонларига қайтарилди.

Вужудга келган узилишларни тез фурсатларда бартараф этиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини мувофиқлаштириш ва сифатли амалга ошириш мақсадида "Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг Оқолтин тумани электр таъминоти корхонаси ҳудудида тезкор штаб ташкил этилди. Эътироф этиш керакки, зудлик билан кўмакка келган Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳудудий электр тармоқлари ходимлари ҳам бу муҳим ҳаётий ишни амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар.

— Куни кеча бутун маҳалламиз аҳли билан қадрдон гўшамизга қайтиб келдик, — дейди Оқолтин туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғуломжон Аҳмедов. — Одамларимизнинг кайфияти кўтаринки. Негаки, шундай оғир дамларда халқимизнинг бағрикенглиги, саховати кўнглимизни ёритди. Хусусан, биз эвакуация қилинган Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида шундай меҳрибонлик ва оқибатнинг гувоҳи бўлдик. Биласизми, сардобаликларни кутиб олишга чиққан мезбонларнинг ҳеч бири "уйим тор, шароитим йўқ", деган гапни хаёлига келтирмади, аксинча, "бизга қанча бўлса ҳам меҳмон келсин", дейишди. Вақтинча қўним топган жойимизда ҳеч бир қийинчилик, етишмовчилик сезмадик. Уйларига қайтган одамларимиз ҳали остона ҳатлашга улгурмасиданоқ улар учун жуда кўп турли-туман маҳсулотлар жўнатилганини кўрдик. Бу барчамизнинг руҳиятимизни кўтарди. Бундай меҳр-оқибат, қўллаб-қувватлаш одамларимизнинг кўнглида миннатдорлик ҳиссини уйғотиш баробарида, келгусида шу юрт, шу халқ учун бор куч, билим ва имкониятини сарф этишдек мақсадларини янада кучайтирди.

Маълумотларга қараганда, айни вақтда тошқин оқибатларини бартараф этишда Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа тизимларнинг 2 мингга яқин махсус техникалари жалб этилган. Шунингдек, ёнғин ўчириш машиналари ва мотопомпалар ёрдамида тошқиндан пайдо бўлган кўлмак ва сувлар уйлардан, инфратузилма объектларидан чиқарилиб, суғориш ва дренаж тизимлари тозаланмоқда. Электр тармоқлари, газ, сув қувурлари ва бошқа турдаги коммунал тармоқларини тиклаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Тошқиндан зарарланган 58 та базавий мобиль станциядан 48 таси таъмирланди. Қолаверса, ишдан чиққан бошқа инфратузилма объектларига етказилган зарар миқдорини баҳолаш юмушлари ҳам олиб борилмоқда.

Бинобарин, жадаллик билан давом эттирилаётган кенг кўламли тиклаш-тозалаш ишлари ва мазкур ҳудуд аҳолисига офатдан сўнг ҳар жиҳатдан мукаммал яшаш шароитларини яратиб бериш борасида кўрилаётган чоралар тошқин ҳудудида бўлган ҳар бир киши ва ҳар бир оиланинг руҳиятини кўтармоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Синовлар ўткинчидир, меҳр қолур, муҳаббат қолур...

*Сардобадаги табиий офат туфайли, афсуски, кўплаб фуқароларимизнинг уй-жойи, мол-мулки, томорқасига жиддий зарар етди. Минглаб гектар пахта, бугун-эрта пишиш арафасида турган ғалла ва яна бошқа кўплаб томорқа экинлари, боғ-роғлардаги мевалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сув ювиб кетди.*

## Сенатор мушоҳадаси

Юртбошимиз уй-жойи талафот кўрган, офатдан азият чеккан аҳоли вакиллари билан учрашди. Уларнинг кўнглини кўтариб, "Жонларинг соғ бўлсин, қариндошларинг, фарзандларинг ёнларингда соғ-саломат эканлиги — катта бахт. Уйни ҳам қуриб берамиз, молни ҳам топиб берамиз, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етган барча жойларни республикамиздаги тегишли олиму мутахассислар билан бирга маслаҳатлашиб, ҳаммасини жой-жойига қўямиз", деди. Бу орқали одамларга катта далда, куч берди, қалбида ишонч уйғотди.

Давлатимиз раҳбари сабр-бардошли, асрлар силсиласида синовлардан ўтган халқимизнинг меҳр-оқибатлилик, бағрикенглик хислатларини эътироф этиб, "Биз Сизлар билан қийинчиликда ҳам, қувончли кунларда ҳам биргамиз, қийинчиликларни биргаликда енгамиз!" дея айтган сўзлари, ташвишли кунларда сардобаликлар ёнида тургани бутун мамлакат аҳлини кўмакка, ҳамжиҳатликка ундади, десак, муболаға бўлмайди.

Уй-жойидан айрилган, вақтинча бошқа жойга кўчирилган оилаларга юртимизнинг барча ҳудудидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар жўнатилмоқда. Мамлакатимизнинг турли нуқталаридан келган турли соҳа вакиллари кўмагида Сардобада ҳаёт секин-аста изига тушмоқда.

Умуман, Сардобадаги фавқулодда ҳодиса нафақат табиат синови, балки ҳар бир инсон учун ўзига яраша имтиҳон бўлди. Албатта, ҳаммаси ўтади. Ҳаёт яна ўз ўзанига қайтади. Образли қилиб айтганда, меҳр қолур, муҳаббат қолур... Биз, сенаторлар ҳам шундай пайтда олдинги сафларда туриб, халқимизга камарбаста бўлишимиз керак. Бу — бизнинг бурчимиз.

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Фикр

*Сардоба воқеаси мамлакатимиз ҳар бир фуқароси қалбини қаттиқ ларзага келтирди. Давлатимиз раҳбарининг воқеа жойига дарҳол етиб боргани сардобаликларга катта далда бўлди. Президентимизнинг ҳолат ўнгланмагунча ҳеч қайси раҳбар бу ердан кетмаслиги, ҳеч қайси хонадон эътиборсиз қолмаслиги ҳақидаги фикрлари одамларда ишонч уйғотди.*

# Ҳаммамиз қалбан биргамиз

Дарҳақиқат, бугун ҳеч ким ушбу ҳолатга бефарқ эмас. Бу фақат сардобаликларнинг эмас, ҳаммамизнинг бошимизга келган офат. Буни чуқур, юракдан ҳис қилган ҳар бир одам ёрдамга шошилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Сирдарё вилоятидан сайланган депутатлар ҳам тезлик билан ҳудудга етиб бориб, амалий ёрдам кўрсатишни бошлаб юбордилар. Жабр кўрган инсонларга озиқ-овқат тайёрлаб тарқатиш, керакли зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Қуйи палатанинг бошқа депутатлари ҳам хайрия ташкил этиб, тегишли маблағ йўналтиришди. Айни пайтда кийим-кечак тўплаб, жўнатиш ҳаракатидалар.

Бу офатни фақат ҳамжиҳатлик, матонат, бирлик билан енгиб ўтамиз. Иккинчи жаҳон уруши пайтида бутун мамлакат бошига иш тушганда миллионлаб одамларни ўз бағрига қабул қилиб, бошини силаган Шомаҳмудовлар оиласи мисолида дунёга танилган ўзбек халқи бугун ўз бошига иш тушганда ҳам энг эзгу фазилатлари билан бағрикенглигини кўрсата олади. Айтмоқчимизки, бу офат халқимизнинг энг гўзал фазилатларини, жиҳатларини юзага чиқариб берди.

Сардобаликлар давлатимиз ва олижаноб халқимиз кўмагида тез орада ўз ҳаётларини яна изга тушириб олишларига ишонамиз. Биз ҳаммамиз қалбан биргамиз.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ОҚИБАТЛИ ЭЛ ШИЖОАТИ

*Жамиятда шундай бир ижтимоий ҳодиса борки, у ҳар қандай офат ёки балолар оқибатларини тезлик билан бартараф этиш имконини беради. У ҳам бўлса ижтимоий бирдамлик, оддий тил билан айтганда, халқимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликдир. Бу омил катта кучга эга эканлигини Бухорода рўй берган табиий офат оқибатларига қарши курашилаётган шу кунларда янада яққол ҳис этяпмиз.*

## Акс садо

Кузатилган ҳодиса мутасаддилар томонидан йўл қўйилган кўплаб камчилик ва муаммоларни фош этишдан ташқари, халқимиз бирдамлигини ва давлатимиз ҳеч қачон ўз фуқароларини ташлаб қўймаслигини яна бир бор кўрсатиб берди. Жумладан, бугунги кунга келиб биргина Қоракўл туманидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига 200 дан зиёд техникалар жалб этилган. Аҳолига 21 минг донадан ортиқ шиферлар тарқатилди. Таъмирталаб бўлиб қолган уйлар давлат ҳисобидан тикланмоқда.

Офатдан зарар кўрган ҳудудларда иш қизғин. Соғлиқни сақлаш муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар, савдо дўконлари, маъмурий бинолар, маданий мерос ва спорт объектларини таъмирлаш ва тиклаш жараёнлари авжида. Синган ҳамда қулаган ўн минглаб йирик дарахтлар кейинги кунларнинг ўзида тозаланиб, олиб чиқиб кетилди, уларнинг ўрнига янгилари экилди. Газ таъминотидан узилиб қолган 138 мингдан ортиқ хонадонлар бирин-кетин яна тармоққа уланмоқда.

Қишлоқ хўжалигига етказилган зарарнинг ҳам ўрни қопланяпти. Далаларда такрорий экинлар экилмоқда. Бунда, айниқса, аҳоли томорқаларига уруғлик, кўчат ва ўғит етказиш, зарур жойда техника билан кўмак беришга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Энг муҳими, одамлар кайфияти кўтаринки, ҳамма бир-бирига ёрдам бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг воқеа содир бўлган куни зудлик билан вилоятга ташриф буюргани, мутасаддиларга тегишли топшириқлар бериб, вазиятни назоратга олгани бухороликлар шижоатини жўш урдириб, уларнинг тушкунликдан мутлақо йироқ бўлишини таъминлади. Кўп жиҳатдан айнан шунинг учун ҳам табиий офат оқибатларини бартараф қилиш жараёни юқори суръатлар билан давом этмоқда. Демак, вилоят аввалгидан ҳам ривож топиб, турмуш фаровонлиги ошаверади.

**Нурмуҳамед АЧИЛОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

*Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон**ида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш кўзда тутилган.*

*Бу жуда муҳим тарихий қадам. Мазкур янги академик юридик илмий муассасада давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар соҳасидаги фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар амалга оширилиши кўзда тутилган.*

## Нуқтаи назар

Айни чоғда юридик фанларнинг ривожланишида қатор муаммолар мавжуд.

**Биринчидан,** мамлакатда ҳуқуқшунослик соҳасида чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишни таъминлайдиган ягона академик илмий-тадқиқот институти мавжуд эмас эди. Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир илмий-назарий база самарадорлигини ошириш имконини бермаяпти. Эътибор қилинг, **Ўзбекистонда ҳеч қачон мустақил давлат ва ҳуқуқ институти бўлмаган.**

**Иккинчидан,** фундаментал ҳуқуқий фанлараро тадқиқотларнинг етишмаслиги илмий тавсияларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва улардан ижтимоий амалиётда фойдаланиш, шунингдек, илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларида тўсиқ бўлмоқда.

**Учинчидан,** кейинги ўн йилликлар давомида фундаментал юридик фан билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида сезиларли узилиш юзага келди. Айниқса, Фалсафа ва ҳуқуқ институти 2012 йилда тугатилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида фундаментал юридик фаннинг ривожланиши тўхтаб қолди.

**Тўртинчидан,** юридик фанлар бўйича докторантлар тайёрлашнинг амалдаги тузилмалари тарқоқ ҳолда бўлиб, турли идораларга қарайди ва фақат тор йўналишдаги идоралар манфаатларига хизмат қилиш билан чекланади.

Диссертациялар мавзулари юридик фаннинг барча йўналишларини қамраб олмаган. Ҳозирги глобаллашув ва рақамли цивилизация сари тараққиёт шароитида Ўзбекистонда миллий ҳуқуқ ва давлатчиликни ривожлантиришни модернизация қилиш ҳамда прогнозлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб беришга қодир ҳуқуқий тадқиқотларнинг устувор фанлараро йўналишлари белгиланмаган.

**Бешинчидан,** юртимизда фундаментал ҳуқуқий тадқиқотларни ягона илмий-мувофиқлаштириш маркази мавжуд эмас.

Бу омилларнинг барчаси Ўзбекистонда фундаментал йўналишдаги давлат-ҳуқуқий тадқиқотларни янгича асосда ривожлантириш заруратини кун тартибига қўймоқда. **Мақсад мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ соҳаси барқарор ривожланишини таъминлашдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти қандай бўлиши керак ва нима билан шуғулланиши керак?**

Фикримизча, Давлат ва ҳуқуқ институти асосан қуйидаги йўналишларда фундаментал ва амалий ҳуқуқий тадқиқотлар билан шуғулланиши лозим:

- жамият ва давлат қурилиши, шунингдек, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ислоҳотлар юзасидан маслаҳат ва эксперт тавсияларини бериш;
- мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш масалалари бўйича қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар учун таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш;
- замонавий электрон-ахборот ва ўқув-педагогика технологияларидан фойдаланган ҳолда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, давлат бошқаруви органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ишларига кўмаклашиш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан тузиладиган шартномалар асосида илмий фаолиятни амалга оширади, илмий йўналишга ихтисослаштирилган фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан энг долзарб ҳуқуқий тадқиқотларни тайёрлаш юзасидан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш;
- турли юридик ихтисосликлар бўйича диссертация ҳимоя қилиш кенгашларини тузиш йўли билан замонавий талаблар асосида (докторантурада) илмий юрист кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларида бевосита иштирок этиш.

Бундан ташқари, институт ходимлари илмий-маслаҳат кенгашлари, шунингдек, давлат ва жамиятни ислоҳ қилишнинг турли йўналишлари бўйича норматив-ҳуқуқий ва дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида давлат органлари қошида тузиладиган комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар таркибида ҳам фаолият олиб бориши лозим.

Институт ходимлари долзарб илмий-ҳуқуқий муаммолар муҳокама этиладиган турли миллий ва халқаро кўламдаги илмий конференция, симпозиум ва семинарларда иштирок этиб, жамият равнақи учун зарур тавсияларни тақдим этишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бошқача айтганда, **Давлат ва ҳуқуқ институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.** Фанлар академияси ушбу янги муассасанинг фаолияти устидан илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.

Хулоса ўрнида, янги илмий академик муассаса фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ иккита амалий таклифни илгари сурмоқчимиз.

**Биринчи таклиф,** Давлат ва ҳуқуқ институти қошида **Давлат ва ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш бўйича мувофиқлаштирувчи илмий кенгаш** тузиш лозим.

Нима учун? Чунки ҳозирги вақтда мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларининг давлат ва ҳуқуқ соҳасида олиб бораётган илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда услубий жиҳатдан таъминлаш борасида муайян бўшлиқ мавжуд. Шу нуқтаи назардан, Давлат ва ҳуқуқ институти мазкур йўналишда самарали чораларни кўриши керак бўлади.

**Иккинчи таклиф,** институтда матбаа-нашрлик ишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Янги илмий муассаса ўз даврий нашрлари, айтайлик, бир неча тилда чоп этиладиган илмий журнал, шунингдек, маълумотлари мунтазам янгиланиб турадиган веб-сайт ташкил этгани мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, илмий монография ва тўпламлар, турли ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш, ушбу нашрларнинг электрон нусхаларини тайёрлаш имкониятларига эга бўлиши ҳам айни муддаодир. Бу таклиф ва тавсияларнинг барчаси Давлат ва ҳуқуқ институтини таъсис этишдан кўзланган асосий мақсадга эришишга қаратилган.

Зеро, Президентимизнинг Фармонида юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлашга доир истиқболли вазифалар белгилаб берилгани бежиз эмас.

**Акмал САИДОВ,**
**академик,**
**юридик фанлар доктори,**
**профессор.**

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

# САДОҚАТ МАДҲИЯСИ

***"Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади... Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!".***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



*Зангиота тумани "Қушбеги" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига кирувчи қадим қишлоқ — Хонободга яна Зулфия аяни йўқлаб баҳор келди. Бундан юз йил олдин ҳам Хонободда кўклам шундай бошланарди. Аввал бодом, кейин ўрик гулларди. Чор-атрофга Наврўз сеп ёзиб, далаларга туташ тўқайзорларгача мафтункор бир тусга кирарди. Узоқлардан савлат тўкиб турган қорли тоғлар бағридаги музликлар қаъридан оқиб келгувчи муздек зилол сувли ариқлар Хонободни четлаб ўтолмасди. Бири-биридан самимий, меҳнаткаш, меҳр-оқибатли кишилар шу ариқлардан сув ичарди. Қишлоқ одамларининг аксарияти кўклам дараги чиқиши билан шаҳар ҳовлисини ташлаб, тирикчилик учун бу ерга келишарди. Кимдир чодирдан капа тикса, қурби етганлар чоғроққина чайла қуриб оларди.*

Ана шундай кишилардан бири Холмат Зокиров рафиқаси Зулфия Зокирова билан дастлабки йиллари капа ва чайлада яшашди. Дала ҳавоси хуш кўрилгач, гуваладан чоғроққина уй кўтаришди. Беш нафар ўғил ва ёшига тўлмаган қизалоқ Манзура ботқоқлик ва тўқайзорларга туташ қишлоқнинг шу одми ҳовлисида вояга етди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Зулфия Зокированинг матонатига, сабру бардошига юксак баҳо бериб, жумладан, шундай деганди: "Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади... Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!".

...1881 йилда таваллуд топган Зулфия Зокирова ўшанда 39 баҳорни қаршилаганди. Тўнғич фарзанди Исоқжон 18 ёш, Аҳмаджон 15 ёш, Маҳамаджон 13 ёш, Ваҳобжон 10 ёш, кенжа ўғли Юсуфжон эса 2 ёшли ширингина гўдак эди.

Ҳовлидаги чоғроққина супани ҳамма хуш кўрарди. Кунлар исиши билан уч туп баҳайбат нашвати қалин соя ташлайдиган супадан-да оромбахшроқ жойнинг ўзи йўқ эди. Ҳовли орқасидаги худди эгизаклардек бири-бирига ўхшаш икки туп балхтут ва бу баҳайбат нашватилар оиланинг бор бойлиги эди. Тут пишиғи келиши билан Зулфия ая Худо берган ҳосилдан аввал қўни-қўшниларга, кейин қавму қариндошларга улашарди. Болалар тут мевасига роса тўйишгач, кенжа ўғил Юсуфжон билан Манзурадан ташқари оиладаги ҳамма тутмайиз ёйишга киришарди. Зулфия Зокированинг бу уддабуронлиги эвазига бутун оила қаҳратон қишда тўйимли озиқ-овқат билан таъминланарди. Орадан ёз чилласини ўтказиб нашвати пишарди. Зулфия ая уни ҳам қуритиб, қиш учун ғамларди. Сопол кўзаларга мураббо ёпарди. Қоплаб ўрик туршаги, қуритилган олма, анжир, шафтоли ва жийда туфайли то қиш чиққунича дастурхондан файз-барака аримасди...

Бутун оила танча атрофида жамулжам бўлган кезларда, Холмат ота кенжа ўғли Юсуфжонни суйиб эркаларкан: "Онаси, шу ўғлимиз жуда зукко-да. Худо умр бериб унинг олим бўлганини кўрсайдим", дерди. Зулфия ая эрининг бу гапларига жавобан: "Насиб этса, ҳали сиз билан Юсуфниям, Манзураниям болаларини кўрамиз. Ноумид шайтонга йўл берманг", дерди.

Холмат ота қазо қиладиган йили уй орқасидаги баҳайбат тутнинг биттаси қўққисдан қуриди. Буни кўрган Зулфия ая ичидан зил кетса-да, мум тишлаб, ҳеч кимга билдирмади. Юраги алланималарни ҳис этар, кун сайин эрига парвонадек гирдикапалак бўларди. Ўзининг ҳолатини сезган оила бошлиғи ҳам бир нарса демасди. Ҳар сафар ёлғиз қолишганида, аёлининг пешонасига қўлларини қўйиб силаркан, паст овозда: "Ҳаққинга рози бўл хотин", дерди.

Ўлим ҳақ экан. Тақдирга тан беришга тўғри келди. Ҳайҳотдек ҳовли отасиз ҳувиллаб қолди. Бироқ оқила аёл ўзини йўқотмади. Қариндош-уруғ кўмагида ҳовли орқасидаги ердан аввал тўнғичи Исоқжонга, унинг ёнидан Аҳмаджонга, кейин Ваҳобжонга бир-бирига туташ қилиб гуваладан бўлса-да, бир уй, бир даҳлиздан иборат бошпана солишди. Аёл боши билан тиниб-тинчимай, шу уйларга келин туширди. Маҳамаджон эса онаси билан ота ҳовлисида қолди...

Исоқжон 1936 йили ўғил фарзандли бўлди. Зулфия ая қувончдан танасига сиғмасди. Нега қувонмасин, отасиз улғайтирган фарзандлари бирин-кетин эл олдига тушди. Тўнғич набиранинг исмини Ватанига, ота-онасига садоқатли бўлсин дея, Содиқ қўйишди. 1937 йили эса Аҳмаджон ўғилли бўлди. Зулфия ая унга Раҳимжон деб исм берди. Орадан бир йил ўтиб, кейинги фарзанди Маҳамаджон ҳам ўғилли бўлди. Уни Турғун деб аташди. 1939 йилда Ваҳобжон хонадонида ҳам ўғил фарзанд дунёга келди. Зулфия ая уни яхши ниятлар билан Манноп деб чақирди.

Бирин-кетин туғилган фарзандлар ортидан оилага қут-барака келди. Исоқжон ака ветеринарлик касбини эгаллади. Аҳмаджон ўша даврдаги жамоа хўжалиги фаолига айланди. Маҳамаджон эса бригада бошлиғи бўлди. Юсуфжон отасининг орзусидаги йигит бўлиб етишди. Тошкент педагогика институтини муваффақиятли тамомлаб, илмий иш илинжида Москвага йўл олди. Булар онани ҳам қувонтирар, ҳам хавотирга соларди. Зукко аёл бу бежиз эмаслигини билса-да, дардини ҳеч кимга сездирмасди.

Орадан икки йил ўтиб, Зулфия аядаги безовталик сабаби юзага чиқди. Уруш бошланганлиги ҳақидаги шумхабар бу ерга ҳам етиб келди. Қишлоқдаги эркаклар бирин-кетин фронтга йўл олди. Зулфия ая "кўпга келган тўй"нинг бир куни бу ҳовли эшигида ҳам бўй кўрсатишини фаҳмларди. Исоқжон ўша вақтда 39 ёшда, Аҳмаджон 36, Маҳамаджон 34, Ваҳобжон 31 ёшда эди.

1941 йили дастлаб Аҳмаджонни ҳарбий комиссариатга чақиришди.

— Ўша пайтда беш ёшда бўлганим боис отамни яхши эслайман, — дейди Зулфия аянинг набираси Раҳимжон Аҳмаджонов. — Янгибозордаги отлиқ аскарлар дивизионида ҳарбий тайёргарлик чоғида сафдошлари билан уйга келишди. Супада қанча ўтиришган бўлишса, отам бир дақиқага ҳам мени тиззаларидан туширмади. Эркалаб сочларимни силар, тинимсиз ҳидлар эди. Ўша пайтда бу оталик меҳри эканлигини тушунмаганман. Бувим ва онам ош дамлашди. Эртасига улар йўлга тушишди — урушга кузатдик. Орадан ойлар ўтиб хат келди. Онам раҳматлик хурсандлигидан танасига сиғмасди. Ўша бир энлик мактубни еру кўкка ишонмасди. Кечалари ёстиғимиз тагига қўярди. Кейин яна икки-учта хат келди...

1941-1943 йиллари Зулфия Зокирова алп қоматли тўрт ўғлини фронтга кузатди. Кенжаси Юсуфжон уруш бошланишидан анча олдин Москвага ўқишга кетганди. Ундан бор-йўғи бир маротабагина хат келди. Юсуфжон бу мактубида Ленинград фронтида жанг қилаётганлигини ёзганди.

1943 йили Зулфия Зокирова икки нуридийдаси — Аҳмаджон ва Юсуфжонга аза очди. 1944 йили Ваҳоб Холматовнинг ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлгани маълум бўлди.

— Уруш йиллари каттаю кичик тинимсиз меҳнат қиларди, — дейди Раҳимжон Аҳмаджонов. — Ойдин кечаларда хотин-қизлар буғдой ўришарди. Чунки техника йўқ, эркаклар фронтга кетган, қўл меҳнати устун эди. Эртасига ўша ўрилган ғарамларни комбайнда янчиб дон қилишарди. Кейин улар қоғоз қопга жойланиб фронтга жўнатиларди. Хўжалик раҳбарлари ғалладан бўшаган майдонларга сабзи, пиёз, карам эктиришарди. Ҳосил етилгач, аёллар бувим етакчилигида уларни ювиб тозалаб тўғрашар, қуритиб махсус қопларга солишарди. Кейин от аравага юклаб, вокзалга олиб борилар ва вагонларга жойланиб, фронтга жўнатиларди.

Оч қолмаслигимиз учун онам билан ғалладан бўшаган далаларда бошоқ териб кун кўрардик. Бувижоним ҳам ёрдамга келарди. Раҳматлик ажойиб аёл эди — келинларидан ҳам ғайратли меҳнат қиларди. У кишида Ватанга муҳаббат, оилага, фарзандларига садоқат юксак эди. Шу туфайли барча мусибатни енгиб ўтди.

1945 йили Зулфия Зокирова тўнғич ўғли Исоқ ва учинчи фарзанди Маҳамаджондан айрилгани хабарини олди. Шу кундан бошлаб ўйчан ҳолатга тушиб қолди. Мўъжазгина ҳовли Холмат отадан кейин иккинчи бор ҳувиллаб қолди. Нашвати тагидаги супага ҳеч ким ўтирмай қўйди. Дастурхон атрофини тўлдириб, онасига сўз бермай эркаланадиган ўғилларнинг лоақал биттаси ҳам фронтдан қайтмади. Зулфия Зокированинг оналик қалби бўм-бўш қолди...

Аммо ҳаёт давом этади. Зукколиги туфайли жанггоҳларда шаҳид кетган ўғилларининг бевалари ва олти нафар етим набирасини бағрига босиб, меҳр кўрсатди.

— Бувим ниҳоятда билимли, иймонли, оқила аёл эди, — дея хотирлайди Раҳимжон Аҳмаджонов. — Ҳаммамизни супага йиғиб насиҳат қиларди, келинларини сабр-бардошли бўлишга ундарди. Онам ва янгаларим бувижонимдан ибрат олишди. Оиламиз шаънини доимо пок сақлашди. Бувимнинг: "Ҳали ёшсизлар, лозим топсанглар турмуш қуринглар, мингдан-минг розиман" дейишига қарамай, беваларнинг бирортаси ҳам қайта оила қурмади. Қалби куюк онаизорга далда бўлиб, бир умр ўз никоҳига садоқат билан яшашди. Отам ва амакиларим тишлаб кетган кемтик нон йиллар давомида девордаги қозиқда осиғлиқ турди. Кейин бувижоним уларнинг ҳар бирига бўздан алоҳида халтача тикди. Қотган нонлар бувимнинг вафотидан кейин ҳам сақланди.

Фарзанд доғида кўкси куйиб адо бўлган она 1960 йили ҳаётдан кўз юмди. Қазо қиладиган куни яқин қолганида набиралари Содиқ, Анвар, Турғун, Манноп ва Раҳматни йиғади: "Гапларимни яхшилаб эшитинглар. Раҳимжон сизларни ичингизда каттангиз. Оталарингиз ўзаро жуда иноқ эди. Бири иккинчиси учун жонини беришга тайёр бўлган. Сиз ҳам шундай меҳр-оқибатли ҳаёт кечиринглар. Шунда оталарингиз руҳи барчангиздан рози бўлади. Мен ҳам қабримда тинч ётаман!" дея васият қилади.

Зулфия Зокированинг бу сўзлари набиралар учун ҳаётда доим тўғри йўлни кўрсатди. Уларни бахт-иқболга етаклади.

...Матонатли ўзбек аёли, Ватан ҳимояси, унинг келажаги йўлида фарзандларидан жудо бўлган она яшаган хонадонга бош суқиб кўзларим ёшланди. Бир пайтлар шу мўъжаз ҳовлида беш баҳодир ўғлонини ҳар куни интиқлик билан кутиб, кўзларини йўлга қадаганча: "Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон қайдасиз? Нега ҳамма келди сиздан дарак йўқ? Мени соғинмадингларми? Мен эса сизни қаттиқ соғиндим!" дея зорланган сўзлари қулоғимда жаранглагандай бўлади...

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини тугатиш тўғрисида эълон**

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

*Тўлиқ расмий номи:*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши.**

*Қисқартирилган расмий номи:*
**Республика маҳаллалар кенгаши.**

*ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):*
**Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Хоразм кўчаси, 51-уй.**
*Солиқ тўловчининг идентификация рақами:*
**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ бош амалиёт бўлими: ҳисоб рақами: 20212000600789086001; МФО: 00407, СТИР: 207257341, ОКОНХ: 98600.**

*Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):*
**2017 йил 5 июлда 799-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**

*ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2020 йил 17 апрелдаги навбатдан ташқари конференцияси 2-сонли баёни билан тугатилган.**

*Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:*
**Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.**

232R/

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон**

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

*Тўлиқ расмий номи:*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё вилояти кенгаши.**

*Қисқартирилган расмий номи:*
**Қашқадарё вилояти маҳаллалар кенгаши.**

*ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):*
**Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 2-уй.**
*Солиқ тўловчининг идентификация рақами:*
**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Қашқадарё вилояти филиали: ҳисоб рақами: 20212000100793535001; МФО: 00150, СТИР: 207258214, ОКОНХ: 98600.**

*Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):*
**2017 йил 27 июлда 613-сон билан Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.**

*ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.**

*Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:*
**Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.**

229R/

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгашини тугатиш тўғрисида эълон**

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

*Тўлиқ расмий номи:*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши.**

*Қисқартирилган расмий номи:*
**Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллалар кенгаши.**

*ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):*
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 115-уй.**
*Солиқ тўловчининг идентификация рақами:*
**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: ҳисоб рақами: 20212000800794845001; МФО: 00582, СТИР: 207258783, ОКОНХ: 98600.**

*Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):*
**2017 йил 1 августда 199-сон билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Нукус шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 59-уй.**

*ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.**

*Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:*
**Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.**

230R/

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон**

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

*Тўлиқ расмий номи:*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши.**

*Қисқартирилган расмий номи:*
**Навоий вилояти маҳаллалар кенгаши.**

*ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):*
**Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй.**
*Солиқ тўловчининг идентификация рақами:*
**«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Навоий вилояти филиали: ҳисоб рақами: 20212000879447201; МФО: 00196, СТИР: 207259631, ОКОНХ: 98600.**

*Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):*
**2017 йил 10 августда 348-сон билан Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Навоий шаҳри, Қизилқум кўчаси.**

*ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):*
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.**

*Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:*
**Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.**

231R/

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6